



УЙГОНИШ

Куёшдан бир нурли кўчки кўзготган,
Кишнинг муз чойшабин парчалаб отган,
Гафлат уйкусидан ерни уйготган,
Бу бахор эмасми,
Саволим шулдир?!

Тонгга ўчокбоши сингари шошиб,
Эшикка кўшканот багишлаб очиб,
Фарзандин уйготган меҳрлар сочиб,
Бу она эмасми,
Саволим шулдир?!

Даврабоши бўлиб алдов, хиёнат,
Бурчакка кисилган пайтлар диёнат,
Виждонни уйготган, солган киёмат,
Бу имон эмасми,
Саволим шулдир?!

Олам бир ёк, сени бир ёк этолган,
Вафони юракка байрок этолган,
Тунни юлдуз билан уйгок этолган,
Бу севги эмасми,
Саволим шулдир?!

Лекин бир халк мудраб, ётинкираса,
Хар кимга ўз тинчи ёкинкираса,
Шоирлари кўркиб босинкираса,
Халкни ким уйготар,
Саволим шулдир?!

БИР ХИВА — ИККИ КАЛЪА

Хивада калъа бор калъа ичинда:
Бири Ичон калъа, бириси Дишон.
Машхурдир бирининг номи очунда,

Бири нураб ётар беназар, бешон.

Не сир бу? Бир ёнда мовий тафаккур
Кулф уриб турибди осуд, беозор.
Бир ён — тенгсиз жангда енгилган мугрур
Ботирнинг лошидек каровсиз ва хор.

Ичон калъа бугун — Хоразм фахри,
Бахор накш гумбазлар, минор, сардоба...
Шундадир ул буюк Махмуднинг кабри,
Шундадир шон, гурур... Дишон — хароба.

Халкимнинг устивор рухи — зўр дахо
Мунгулик топгандир Ичон калъада.
Уни бузмасин деб тур-турфа бало
Калъа тикланилган Дишон — далада.

Азалий беомон бир хукмдир бу:
Одам — Дишон калъа, орзуси — Ичон!
Оз яшаб кўп мушкул кўрса хамки у,
Рухин колдирмоги мумкиндир омон.

Мен бугун Хивада викорли турган
Асрий ёдгорлардан туяркан маъни,
Дедим: умр хикматин бобонгдан ўрган,
Асрамокни ўрган Ичон калъани!

ТАРИХ МУЗЕЙИДА

Кўрганинг колади деган бир гап бор,
Тарих музейига кирдик... кўргани.
Жахонни титратган сохибкироннинг
Кизик-да, бирпасда махв бўлгани...

Мана эрк! Бир уйда шох билан кулнинг
Забаржад тожию чипта ковуши!
Аммо «мсье!» дея хаёлни бўлар
Бошловчининг хиссиз, силлик товуши!

Ботирлар ишидан шод турсак, аммо,
Хушу хаёлларни бўгди бўлак хол,
Хамма нарса эркин бўлганда энди
Ўзимиз юролмай колдик бемалол:

Бири «Хеч нарсага кўл теккизманг!» деб,
Биттаси «Секин юр!», «Жим!» деб дўк урар.
Юриш-туришингни чекласа бири,
Бири гапиришни ман килиб турар.

Чапга мумкин эмас, ўнгга сираям,
Ортикча саволни жинлари суймас.
Узок колдирмаслар бир ерда, аммо
Мундок илгари ҳам кетгани кўймас.

Ажабо! Битта халк шунча жон чекиб,
Сўнгги, огир жангни этганда тайин,
Зўрга агдарганда битта подшони,
Ўрнига чикибди мингта «хўжайин!»

ОКШОМ. ГАВЖУМ ПАРИЖ.

Ярим тун.
Парижда беуйку кезиб,
Гавжум бир хаётни кўрдим ногахон,
Гўё минг-минг рангли чироклар чизиб,
Кўкдан ерга тушган эди Кахкашон.

Томоша, базмга шошилган олам
Парижни пойтахт этмиш чамаси.
Кун бўйи нурланган мавжларин бу дам
Кўчаларга солмиш Сена дарёси.

Бешарм фильмлар, шахват гуллари
Кадамда кўзларга зўрлик килади,
Катта бир шаҳарнинг даха-йўллари
Гўё хаё учун торлик килади.

Хеч тўй, хеч анжуман бўлмас беҳуда,
Нега парижликлар бедор бу чоғлар?!
Билсам, асл Париж хозир уйкуда,
Бу юрганлар эса — бегам сайёҳлар...

На деб изохлашни билмадим буни,
Лол кездим мен Париж кечаларида:
Кизик-да, ўз халки уриб уйкуни,
Бошқалар сайр этса кўчаларида...

* * *

Бокдим жахон ишина, маъноси турли-турли,
Бир бошдаги тўфони, гавгоси турли-турли.
Хар сориди куёшнинг зиёси турли-турли,
Бу не мангу бозордир, савдоси турли-турли,
Ваъдаси бир либосда, вафоси турли-турли.

Кўп кўрдим мен замонда пок, мўътабар жонларни,
Илму давлат буржида порлок кахкашонларни,
Мен шулардан олганман толеимга тонгларни,
Гарчи фалак бекарор, хавоси турли-турли,
Буюкларнинг турланмас сиймоси турли-турли.

Элда фидойи жонга «берсин тўзим» деганлар,
Канча менга дуч бўлди «дунё ўзим» деганлар,
Каркунокдек ўз тухмин ўзи чўкиб еганлар,
Агар дунёга кимнинг парвоси турли-турли,
Бурди йўк ул одамнинг, дунёси турли-турли.

На майдонга кирмишман — хар кадамим оташдир,
Хак деб ёпдим, кўксимга хакнинг ўзи нур сочди,
Хакни мансаб, ризк билиб, кўплар йўлдан алашди,
Гарчи ватаннинг тоги, дарёси турли-турли,
Аммо бўлмас юракнинг худоси турли-турли.

Нетай, химмат билмасалар мендан химмат сўрсалар,
Ёзгутида хат йўқлар мендан хужжат сўрсалар,
Бошимдаги нурдан хам бирор иллат сўрсалар,
Нечун тақдир китобин иншоси турли-турли,
Сахфаси турли-турли, имлоси турли-турли.

Гўзалларким вафони сочдек минг хил кесдилар,
Ойдек муқим йўл тутмай, хар эпкинга эсдилар.
Тог кўрганда тугишган сахросидан бездилар,
Охир сарсон колдилар, равоси турли-турли,
Юзда бўёги турли, ридоси турли-турли.

Дўсту ёр, юрт омонми, Омон, сен хам омон бўл,
Эл хама яхши бўлса, майли сен бир ёмон бўл,
Лекин сен нур томон бўл, сен адолат томон бўл,
Кўнглинг бирдир — агарчи ошноси турли-турли,
Умринг шундан гўзалдир, навоси турли-турли.

* * *

Ой чикди-ю, лекин камар йўк,
Ер кўринди, аммо самар йўк.

Бугун кўплар тангридан сўзлар,
Лекин асл бир пайгамбар йўк.

Миллат учун азиз жой кани,
Пойтахт бор, лекин сахар йўк.

Булганган чоғ Боги Эрам ҳам
Ким айтади: «Сутда захар йўк!?»

Ўз касбидан ким хордир, кўринг,
Унда илохийдан асар йўк.

Бизга зулм қилгонлар кани,
«Агар» бору лекин «магар» йўк.

Сувратга туш ёруғ дунёда,
Омон, ушбу бордир, дигар йўк.

КЎХНА ХИКМАТЛАР

Шохларга зар йигмок азал таомил,
Аmmo эл доим зор, газнабон — жохил.

Одамнинг ўз ризки асли бир ховуч,
Берсанг ammo доим олмокка мойил.

Касбу корнинг сеҳри, кадри йўк жойда
Давлат ишинда ҳам бўлмас такомил.

Ахмок миробларнинг касридан, кўрдик,
Уч девор ичинда нуради Бобил.

Рўшнолиг бермаса дехконга даврон,
Лайлатулкадр ҳам бўлмайди восил.

Изма-из мушкуллар тугар кун ва тун,
Лозимдир хар мулкни бошкарса окил.

Музлуг довлонлардан ўтган дарёнинг
Азмига муборак бўлди кўш сохил.

Набилар наздида Биби Марям пок,
Ошиklar охидин Масехо нозил.

Ёт иклимдан келган не-не кўчатлар
Биҳиштга ўтказдик, бермади хосил.

Дахшат, киргин этдинг, лекин ўлмадик,
Устивор миллатмиз, бас-да, эй котил!

Ўзгалар нақдини кизгонар хосид,
Улусга бахш этар борини фозил.

Сўлинг ва согингда, бўйнинг, бошингда
Лаинларнинг юки, бу не тагофил?!

Толе куши тилар кафтингдан дона,
Фойдаву зиёнинг шунга мукобил.

Улуг ўтмишингни ўзинг унутдинг,
Азал хаттотлари улашмас ой-йил.

Юз йил ўз гирдини кўргон этганлар
Титрарлар, эшикни кокса азозил.

Анор нихон гуллар гарчи кўзлардан,
Бахорда гофиллар — кузда хам гофил.

Ром этса ёлгонлар элнинг кулогин,
Очилмас, бургусин чалса Исрофил.

Дунёда то битта кул халк бор экан,
Замон одил бўлмас, имоним комил.

1986. КУЗ

Ойдин куз окшоми. Бир хаёл суриб
Ненидир истадим кўкданми, ердан.
Гарчи билар эдим, бу кўхна равок
Сирларин очмайди хаммага бирдан.

Юлдузлар! Бу кандай мавж?! Не харакат?!
Ким у машъал тутиб келаётганлар?!
Демак, бор, хув олис сархадларда хам
Мен каби безовта бўлаётганлар.

Хак мақсадли одам доим безовта,
Умиднинг йўллари бўлмас унга берк,
Гўё эски лип-лип кинода ота
Беиз кетган ўглин илгаб колгандек...

Кўзим қуртагидан учган капалак
Дархол чаманларга ураркан ўзни,

Демак, бизларга ҳам интизорлар кўп,
Демак, кимдир севиб асрайди бизни.

Оламда кечиккан бахорлар йўқдир,
Кечиккан виждон бор, чалажон матлаб,
Шу боис табиат муаммони минг,
Ечимини эса берар битталаб.

Одамда геолог олим рухи бор:
Тогларнинг гранит жилдларин титиб,
Миллион йилги япрок изини излар,
Бугун олтин баргни жим босиб ўтиб...

Ойдин куз окшоми. Хаёлга шундай
Минг хил ўй келади, минг турли сўзлар.
Аник бир хакикат жамол очсин деб,
Тинмай игна урар тунга юлдузлар.

* * *

Дарахтлар ва гиёхларнинг тархи-файзини
бир рксола этмок истаб,
созлаб баётин,
обдон боксам ўз умримнинг кабатларига
мен яшабман ўшаларнинг рангин хаётин.
Ха-да!

Гохи, бўйтеракдек, дирдов колибман,
на гул ва на мева тугиб, ўз-ўзим билан.
Сал булутга баргларимни гизлаб тескари,
сал шамолга кўпорилиб илдизим билан.
Гох ўрикдек, мевамдан то магзимга кадар,
юракларга малхам, даво йигиб яшабман,
Гох анордек, бахорни «пов» ёниб каршилаб,
сал ёт назар тегса гулим тўкиб ташлабман.
Мен ток бўлдим.

Зангларимга заминдан шарбат,
баргларимга ок куёшдан зиёлар солдим.
Хаёт барпо бўлгандаги алвон исёндан
кўнгилларга сархуш сурур, хаволар солдим.
Гох шунчаки бир ихота — чакир бутазор —
кўп йўлларни асрадим мен тўзса кор, довул.
Гох ошиқлар талпингучи мажнунтол бўлдим,
гох барханлар кўчкисини тўсган саксовул.
Ё иклимлар кескинлашган чоги юртимда
юрагимга турфа кушлар кайгуси тушди,
уларни ёз оловидан, кора совуқдан

яширолдим — чўнг гужумлик бахти етишди.
Гох тут бўлдим.
Олам ипак киймаги учун
гарданимга кайта-кайта каллак солдилар.
Гох болалар лабида ок марварид бўлдим,
гох кўксимни танбур учун ўйиб олдилар.
Ўх-ху, агар санайверсам,
умрим шажари
боғлар каён, тоғу кирга бойланиб кетар
ва куш учар юксаклардан энди бокилса,
олам яшил майсазорга айланиб кетар.
Ахолиси ниҳоят зич яшил салтанат —
ялпиз, ангиз, исмалоғу бинафша, бугдой...
Мавжланишим — денгизлардан колган эсдалик,
не музликлар эригандир тафтимдан бугдай...
Тил чикарсам гох еримнинг дардин ёргали,
каткалоқлар кисувидан озурда жонман.
Тонгнинг тиник дурларини тун чангалидан
омон олиб чикканимдан — покман, омонман,
Мен — майсаман, китиклайман товонларини
болакайлар елкамда шод ўйнаган дамлар.
Ха, гиёҳман — пойандозман барра ва юмшок,
тупрогимга огир ботмасин деб кадимлар.

* * *

Кайдан келиб колдинг, кайин, ок кайин
Бу турфа дарахтлар тигиз ўрмонга?!
Нега керак экан нозик вужудинг
Бу корлар мулкига, бу кахратонга?!

Бир ёқдан жодугар игнабарг арча
Чимчилаб-чакишга уринса зимдан,
Бир ёқдан чўнг эман зугм этар сенга,
Беҳаё карагай ялангочлар тан.

Агар тугилганинг рост бўлса шунда,
Жиндак шаббодага титрарсан нечун?!
Кора тамга ўйиб кумуш баданга,
Нечун окизарлар кўз ёшингни хун?!

Амир харамида туткун киз раксин
Кизлархон кайгули этгандек ижро,
Ўрмон сахнасига сен — ок раккоса
Биргина лахзага чикдингмикан ё?!

Инжа ўхшатмалар кўпдир.
Лекин сен
Бу кора ўрмонда ёлқинсан магрур!
Не сўз?!
Азалдан-да поклик, нафосат
Шундай шароитда яшашга мажбур.

* * *

Кор босган ок-оппок далада кўрдим,
Кимир этмай турар тўп кора тулпор,
Киш обдон бекитган чўнг кора тошнинг
Беш-олти жойида эригандек кор.

Тулпорлар, хой! Кора кирни уйготинг,
Мудрок хомрезани ёки килинг бас,
Сизнинг ул учишлар бўлмаса, бу ер —
Кераксиз бўшлиқдир, беун ва бекас.

Кора тулпорларим менинг, канотли,
Турманг, учинг-кўчииг тез бўлиб ўқдан!
Ўзни шундок окланг, кир хам кутулсин
Бугун ок кўринган кора совукдан.

ЭШИГИНГДАН ЎТАМАН...

Куз ёйса хам йўлларга хазон,
Кор кўмса хам борликни бутун,
Кўклам келиб, урса хам хандон,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Сочларингга тушса хамки ок,
Пешонамни босса хам ажин,
Кирганда хам гавдамга титрок,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Майли, шунда танимасанг хам,
Ёки десанг, кўрмайин туркин,
Ёшим ютиб, бошим килиб хам,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Мени демай юмсанг хам кўзинг,
Хонанг колса зулматга тутқун,
Хотирангга шам бўлиб ўзим,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Вактим етиб чикса бу жоним,
Дардларимга ясалса якун,
Бу дунёни тарк этар оним
Эшигингдан ўтурман бир кун.

* * *

Кўзингда мунаввар дунёлар
Кўзингда севгининг диёри.
Кўзингда тазкира этилган
Азалий бир ишкнинг ашъори.

Лекин сен мен томон бокмайсан,
Билмадим нелар гов йўлингга.
Ё Сукут исмли юлдуздан
Бир огир тош тушган тилингга?!

Жимликда толдирма сен мени,
Кўзингдан муждалар учиргил.
Кўзингни — ул кора куррани
Мен ёнган мехварга кўчиргил.

Топмасанг, адашсанг, тўхтасанг,
Бок, ёвлар тийрлар отарлар:
Ўқларнинг изидан карасанг,
Кўзларинг калбимни топарлар.

* * *

Ўқий олмас бўлдим китоблар,
харфлар кўзга аранг кўринар,
факат сенинг чехранг кўринар,
сўзлар достонидан кетиб.

Чаман кезсам энди тинчим йўк,
на капалак, на ранг кўринар,
факат сенинг чехранг кўринар,
гуллар бўстонида кетиб.

Окшом кўзни юмсам хам шу хол,
кўкда ялт-ялт бир жанг кўринар,
факат сенинг чехранг кўринар,
юлдуз осмонидан кетиб.

Мухаббат деб келдим дунёга,
ошикка ер-кўк танг кўринар,

факат сенинг чехранг кўринар,
дунё хар ёнидан кетиб.

* * *

Куёш тонг олдида кизарган каби,
Гунчалар кисиниб юз ёрган каби
ийманиб келасан,
очилолмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Кўлингда Зухрадан гўё бир хат бор,
гўёки Лайлидан мерос кисмат бор,
минг йиллик ёзгуддан кутулолмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Азизам, юлдузлар фалакда бахтли,
инсон ўз калбида —
юракда бахтли...
Сен сира ўзингни нурга солмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Гулим, «ўша»ларга ўчма-ўч очил,
сенинг учун бугун боглар бўш, очил!
Уларни кўявер, улар колмаслар,
чунки бизлар каби сева олмаслар!

* * *

Согиндим мен сени.
Кўргим келади,
Лекин айтолмайман хеч кимга буни.
Шахар гуш тош ўрмон. Бошимга тушган
куёшга талпинган огочнинг куни.
Согиндим. Кун-тунлар катланди калбда
Рангин ипаклари согинчининг.
Агар
ёйсам йўллардаги симёгочларга
зорланиб етарди Самарканд кадар.
Согиндим, жахонда балки хеч бир тил
хижронни мукамал ёзганмас хали.
Кадим ёзмалардек ул кунлар йитди,
бир сўзингни эслаш олам тасалли...
Дарахтман. Мен миллион япрогим билан
бокаман зор титраб сен келар кунга.
Согиндим мен сени.

Кўргим келади,
Лекин айтолмайман буни ҳеч кимга.

* * *

Мен ишкимни айтолмасам ўзингга,
Булутларга топшираман калбимни.
Улар кўзинг осмонида безовта —
Чакмок тахлит накш этсинлар дардимни.

Мен ишкимни айтолмасам ўзингга,
Баланд токка бориб солар хаё-ху!
Пойинг узра дарё бўлиб тўлгонсин,
Чўккиларнинг бошидаги ок уйку.

Мен ишкимни айтолмасам ўзингга,
Вижир-вижир калдиргочга айтайин:
Хар бахорда шу зангори сўзлардан
Бўготингда уя курсин атайин.

Айтолмайин, чекиб оху нолалар,
Ерга кўксим кўяр бўлсам ногахон,
Юрагимдан хабар топган лолалар
Фарёд солиб кирга чиксин багри кон.

* * *

Сендан хабар келтирса
Мен ўпардим шамолни,
Йўк бўлса ҳам лаблари,
Йўк бўлса ҳам гаплари.

Сендан хабар келтирса
Амударё, Сирдарё,
Дердим, азиз диёрда
Менинг кўш бахтим бор-да!

Сендан хабар келтирса
Тилло патли кушчалар,
Ишк ёд айлагусим,
Зўр канот айлагусим!

Аммо орзуларимдан
Туннинг умри кискадир,
Кўкка юлдузим кайтар,
Осмона изим кайтар!

* * *

Ўртамизда биргина олма —
Олам ичра юмалок илинж.
Ўртамизда биргина олма —
Балки гам у ё балки севинч.

Ўртамизда биргина олма,
Ярми кизил, ярми оч-яшил.
Хаё тугёнидан кизил у,
У согинчнинг рамзидир асил.

Ўртамизда биргина олма,
Бармок учи тегса товланар.
Алвон иффат, яшил ташналик
Бир сенга, бир менга довланар.

Ўртамизда биргина олма,
Гард тегмаган, бирам покиза.
Хозирча у рангин бир хавас,
Лаб тегса бошланар мўъжиза...

* * *

Кетишим шарт эди. На илож, кетдим,
ёлгизлик каърида колдириб сени.
Шу маъюс кўзларга жо бўлар энди
тун деган азобнинг бўйи ва эни.

Хуш дамлар хамдаминг — кўзгу бу кеча
тикка турган кўлдек ютишга тайёр.
Бир пайтлар бахтингдан шаходат берган
юлдузлар бу окшом олис ва бекор.

Ок ёстикка бошни гамгин босасан,
окликда илинжсиз тўлганар гавда.
Сочларинг юзингга айлана тортар,
тутилган куёшдек кора, безовта.

Соат бирми-икки.
Туриб юрасан
ёстик сезмасин деб калб санчигини.
Кулиб, жим кучасан халигина мен
ўтирган курсининг суянчигини.

Кўнглим, ўзингдан кўр: энди хеч тинмай

таъкиб этар сени ул маъюс нигоҳ —
аёлни тун билан ёлғиз колдирмок
гуноҳлар ичида энг огир гуноҳ!

* * *

Яратганга шукр, сен яна келдинг,
Хамма конунларнинг ўзгарди кучи.
Мен сенга узундан-узун от кўйдим:
«Эй, эски дардларни янгилатувчи!»

Бармоклар бармоклар учини сизди,
Кўнгил бир илоҳнинг кучини сизди,
Юрак алланенинг ўчини сизди,
«Эй, узок йўлларни якинлатувчи!»

Яна икки кўздан сиркилди намлар,
Биллурни ювдилар покиза гамлар.
Кани ул Сир, Аму мавж урган дамлар,
Эй сен, денгиз тубин долгалатувчи?!

Асли, кайда бўлма, мен кўнгли тўкман,
Кунчиқарим ишқдир — нур ўчса йўкман.
Биламан, кимгадир жуда суюкман,
Эй сен, хотирани поклайтирувчи!

Ким айтди, йўл анча ўтилди дея,
Келган кетди, кутган кутилди дея,
Шодман — яна менга дуч бўлди дея,
Ишки омонларни яшартирувчи!

Яратганга шукр, сен яна келдинг,
Хамма конунларнинг ўзгарди кучи.
Сенга мен узундан-узун от кўйдим:
«Эй, кўхна дардларни янгилатувчи!»

* * *

Миллион жажжи фонус ёкди дарахтлар.
Камалак. Яшиллик, Ёмгир юз фоиз...
Имон келтиргайман аммо —
бу боғлар
ёруғдир бизнинг-да севгимиз боис.

Хар огоч, хар шохни уйготди наврўз,
гул билан китиклаб карахт танини.

У сени кўрсатди менга.
Ва билдим
юрагим каерда жойлашганини!

Ох, баҳор! Заминнинг сўз эркинлиги!
Майсалар куйлашар кўкка ўрлашиб.
Шу буюк кувончга жўр бўлдик биз ҳам
лабларим лабларинг билан бирлашиб.

Умр нима ўзи?!
Имон келтирай,
хикмат бу, баҳордек киска ва аён:
Севги ила масъуд онларни ўйла,
асл умр шулдир. Колгани — ёлгон...

БАҲОР АРАФАСИ

Учрашувимизга якин колди
Кишнинг таъкибидан кочиб
Дарахтин тарк этган япроқлар билан.

Учрашувимизга якин колди
Тошларини лола ёпиб, гизлаб,
Булут тўплаётган тоғлар билан.

Учрашувимизга якин колди
Ўзимиз билан ўзимиз, совуккон,
Орзиккан юракнинг ёнгинасида.

Учрашувимизга якин колди
Ўтмиш, Бугун билан юзма-юз
Шундок Келажакнинг ёнгинасида.

АЁЛГА МАКТОВ

Шоирга йўл бўлсин, сизли чизай деб,
бўёк куюлтириб турар рассомлар!
Мукамал хуснингиз ёғдуси учун
ой ҳам навбатчилик килар окшомлар!

Шоирга йўл бўлсин!
Куйлан дсб сизни,
бастакорлар юрар ёка чок, тажанг:
торни темирчига топширворгудек,
хар жаранг устида килиб неча жанг.

Эъзозингиз буюк!
Саркарда Бобур,
жувонмард рухлари бўлгай зиёда,
кўшинда биргина от колса, шунга
сизни ўтказгандир,
колиб пиёда...

Шоирга йўл бўлсин!
Сиздаги талъат,
нозиклик кимларни ўйга солмаган?!
Оккуш, сувдан чикмай, таранавериб,
бежиз бир оёкда ухлаб колмаган!

Сиздай ясанмокни истаб, киш битмай,
Изхорга лаб жуфтлаб хар бир куртаги,
ўриклар чиқдилар — бир тонг тўла гул,
Нур кийди жаъмики боглар юрдаги.

Шоирга йўл бўлсин, кечикди шоир
бу инжа ракобат, нурли талошга:
Ха бизга ҳеч юмуш колмабди энди
Сизни жуда каттик севишдан бошка!

КИЙИН МУХАББАТ

Бу кўзлар неча йил, неча бўлгандир,
Тумор ёзувидек дилга жойланган.
Кунлар ёна-ёна кеча бўлгандир,
Тунлар ёна-ёна ойга айланган.

Бу қандай оташдир, мен сал дил ёрсам,
Очик қон топгандек, тўзди ганимлар.
Аммо очилмади уларга, эркама,
Факат иккимизга аён тилсимлар.

Хар ким ўз билгича фасона айди,
Бизнинг ёнишларни, йўғу бор айлаб.
Ха, биз зардуштийлар қосбони қаби,
Бу ўтни асрадик ифтихор айлаб.

Бугун инсоф, имон тилга қирмишдир,
Жонсўз фарзандларин йўқлайди элим.
Сенинг ёна-ёна кўзинг қолмишдир,
Менинг ёнишимдан қолгани — шеърим.

* * *

Мен булут багрига син солиб боксам
Селлари кўзимда бир намча йўқдир.
Вахшати тун ёрган йилдиримнинг хам
Бардоши титраган бир шамча йўқдир.

Кадимда бир юртнинг нодон хокони
Варрак кашф этганнинг тўкибди конин,
Ёлгоннинг тахтдаги юз йил даврони
Хакикат айтилган бир дамча йўқдир.

Тенглик йўк жойларда ёмондир кисмат,
Тили омон бўлса ўлмайдди миллат,
Дунёда ҳеч бир хил қуролда қудрат
«Тинчлик» сўзин ёзган қаламча йўқдир.

Табиат гўйиё биз билан сирдош,
Гулларнинг багри доғ, оху кўзи ёш,
Дарёни опичиб турган тоғу тош,
Бари дард билган бир одамча йўқдир.

Жоним, бу одамлар бунчалар тажанг,
Олдинда-ку жанглар, орқада хам жанг,
Жаҳон йўлларини килиб боксак жам,
Иккимиз отган бир қадамча йўқдир!

ТУРГУНЛИК ЙИЛЛАРИ

«Нега мен?!» достонидан парча

Дунёга синчиклаб тикилган кўзлар
Мушкул бир ҳолатни пайкашга тушди.
Қай томонга бокманг, бари — йўлсизлар,
Толелар айкашу уйкашга тушди.

Етмиш йил эл яшаб қуръон, тавротсиз,
Эрлар ночор қолди, аёл авратсиз,
Замон дурадғори, асбоб-яроксиз,
Илма-тешиқ томни ямашга тушди.

Қор қора ёғмоқда, ёмғир заъфарон,
Дарёлар ўрнида окмоқда армон,
Ҳар подшо ўзича чиқариб фармон,
Қолганлар бир-бирин булғашга тушди.

Ёкиб бўлакелдик газни, кўмирни,
Зимистон айлаймиз тез она-ерни,

Кўк ютар бундайин улкан кабрни,
Одамнинг сояси куёшга тушди.

Хар ерда хоким хак, арбоблар голиб,
Конун шуларники, шуларда колип,
Энг катта айбдор бир ёқда колиб,
Жазони бошқалар ўташга тушди.

На майхона колди юртда, на меҳроб,
На муқаддас каср, на азиз китоб,
Не-не олтин бошлар кўролмай офтоб,
Надомат тунида мудрашга тушди.

Хайронман сен ўзбек деган миллатга,
Ерингни тўлдирдинг мараз, иллатга,
Не жавоб айларсан бундай кулфатга,
Кара, пойдеворинг нурашга тушди?

Кани элни яктан этган донолар,
Кани уй файзини тутган момолар,
Кани «Бирлаш! Тиклан!» деган ниждолар,
Гафлат оғусими ё ошга тушди?!

На шомда ишинг бор, на тонгда ёдинг,
Арок, уйку бўпти бор эътиқодинг,
Жахон сахнасидан ўчмоқда отинг,
Номингдан бошқалар сўзлашга тушди.

Кўкда йўк Улугбек очган юлдузлар,
Кўхна Урганчингни ёмоқда тузлар.
Ер ости ганжларинг бегона кўзлар
Излаб, ковлаб, ташиб, гизлашга тушди.

Нечун коралайсан сен ўз ўтмишинг,
Амир ҳам ўз кишинг, хон ҳам ўз кишинг,
Кўрарманми сенинг униб-ўсишинг,
Нечун парвоналар оташга тушди?

Бойкаронг котилмиш, Темуринг хунхўр,
Мангубердинг зобит, хор, манглайи шўр,
Не хароб миллатсан, борми бирон зўр,
Устунлар тикланмай кулашга тушди?!

Жаннат Ўзбекистон, жаннатинг кани,
Шунча меҳнат килдинг, меҳнатинг кани,
Сигинган, суянган давлатинг кани,

Хар дайди ит сени талашга тушди?

Хеч ким ўз молига кўёлмас бахр,
Бору йўгимизни билмайди дунё,
Хеч кимдан сўрамай-нетмай не юхо
Бу юртдан курбонлик ямлашга тушди.

Ўзинг бўлсанг эдинг ўзингга кози,
Хар огир-енгилга бўлардик рози,
ЕТТИ ётлар кўйиб носоз тарози,
Оку корангни каж ўлчашга тушди.

Билганинг-кўрганинг пахта бўлибдир,
Аклинг, тафаккуринг ахта бўлибдир,
Юз сарик, жигаринг сўхта бўлибдир,
Наслинг шажараси бутрашга тушди.

Ўзин, элин, тилин нақд сотган ким у,
Бир танда уч соткин яшагани шу,
Бунини шараф билиб нечалар ёху,
Даврондан мукофот тилашга тушди.

Давр деворида Кодирий кони,
Шимолга кулади жануб Чўлпони,
Захр ичди биллур жом тутган Усманинг,
Конли базм сокийни сўрашга тушди.

Хўш, бугун-чи, йўкми хеч пок тийнат
Ўн жойга хатланар сал фаол инсон,
Ким у, хар сўкмокка кўйиб юз копкон,
Хар йўлни ким обдон боғлашга тушди?!

Киммиш! Ўзимизнинг булар палидлар,
Булар ўзимизнинг абдуллатифлар,
Юлдузлар таъмидан бебахра итлар
Ойни ялок билиб увлашга тушди.

Ким эмиш! Барин гох сотган ўзингсан,
Бир-бирингни гажиб ётган ўзингсан,
Ким бош тикласа тош отган ўзингсан,
Ахир, ўз бошинг хам шу тошга тушди.

Келди Махтумкули айтган бир замон,
Унутди «Яхшилик» сўзини ёмон,
Обрў талашмокда курт билан илон,
Филлар пашша билан савашга тушди.

Илм, бу аслида тангрининг нури,
Хаммага тенг аён эмасдир сири,
Кўпни олим этиб камчининг зўри,
Шогирд устоз билан курашга тушди.

Кимнинг эри каттол, кимнинг аёли,
Шундан бир-бирида эмас хаёли.
Ром этиб ўткинчи тулпорнинг ёли,
Кўпларнинг кўзлари ўйнашга тушди.

Азиз нимамиз бор аёлдан бошка,
Куйиб бўлсалар-да ишда, куёшда,
Нечун кирмакдалар яна оташга,
Кандай шармандалик бу бошга тушди?!

Тортилиш кучидан собитдир олам,
Куёш теграсида сайёралар жам,
Аслида меҳрдан яралган одам
Бурч юкидан бўйин товлашга тушди.

Инсон бир тугилар, кайта тугилмас,
Азал бунёдкори кайта уринмас,
Асли рост нарсалар кайта курилмас,
Ахир, сув бошкаю ўт бошка тушди.

Не кўрдинг Сталин бўлганда «отанг»,
Не берди довдирбой, парфеъл Никитанг,
Гўё Брежнев хам сенинг ўз хатонг,
Тирногингни кимлар ковлашга тушди?!

Руснинг уйига хам кирди дарз, алкаш,
Шунданми режалар, йўллар гох чалкаш,
Шунданми ўз жойин ташлаб беоташ,
Кайда иссик кўрса таркашга тушди.

Умидсиз шайтон деб такрорлаб оят,
Ёлғиз умид билан яшаш жиноят,
Чунки Ёлгон яна тўкиб ривоят,
Ўзин «янгилаш»га, бўяшга тушди.

Шунча сабоқ етар! Ўзингга ишон!
Ўз аклинг, хулосанг, кўзингга ишон!
Сўнгни бор ўз ўгил-кизингга ишон!
Бугун шулар сени ўйлашга тушди!

Асли сендан зўррок кандай киши бор?!

Бугун Сайёрада «Ўзбек иши» бор!
Хали ўзбекнинг бир хайкириши бор,
Кара, томирларинг титрашга тушди!

Бузиб сархадларни, говларни олиб,
Бори дунё билан килгил ошнолик,
Йўкса, ўтмишинг ҳеч кўрмай рўшнолик,
Келажак бир жойни топташга тушди.

Каранг Янгиланиш деган пешани,
Артди у Халк Рухи маҳкум шишани,
Бугун қайта англаб Азал ишини,
Кўплар орқа-олдин ўнглашга тушди.

Замон бир Ленинга қайтсайди, дейман,
«Хаммангиз эркин!» деб айтсайди, дейман,
Планли зулмни отсайди, дейман,
Яна План элни кийнашга тушди!

Азизлар, дўстларим, кавму кардошим,
Истикбол не бўлар, котди-ку бошим,
Кўзимга гилтиллаб келмакда ёшим,
Деманг: «Шоир яна йиглашга тушди!»

Шоир жола тўкса ўпинг манглайин,
Унинг хабари бор бир гапдан тайин.
Кимнингки дийдаси котгани сайин,
Билингни, калби ҳам музлашга тушди!

Шеърдаги тушкунлик дил гавхаридир,
Садаф мавкеи ҳам денгиз каяридир,
Ким деса: «Бу гаплар мандан наридир!»,
Умрини бошқалар яшашга тушди.

Нега мен бу ўтга жонни тикамен,
Нега мен бу ўтии бекор титамен,
Хакнинг дийдорини ўтдан кутамен,
Ўзи олов кўнглим не гашга тушди?

Истагим, бугунми-эртагами, бас,
Ўзбекнинг йўлими-кўлидами, бас,
Юрагим рангида бир не бўлса бас,
Кўнглим шуни факат тилашга тушди.

КУЕШ КИЗАРИШЛАРИ

Нечун куёш бир кизариб оладир,
Тонгда — ерга тушганида кезиши?!
Уни балки бу куйларга соладир
Тунда килган баъзи гунохли иши?!

Нечун куёш бир кизариб оладир —
Кечкурун-да, оловланиб яноклар?!
Энди уни бу куйларга соладир
Бизнинг куппа-кундуздаги гунохлар...

ТЎРТЛИКЛАР

Тонг отди, оламда минг расм кўрдим,
Меҳрли кўзларни пок, маъсум кўрдим.
Хеч ким захар сепиб — бол йиккан эмас,
Гул кирган уйларда табассум кўрдим.

* * *

Бирлик — кўнгил билан гулнинг бирлиги,
Бирлик — виждон билан тилнинг бирлиги.
Бирлик — тўксон икки бовли ўзбекнинг —
Эртандан умидвор элнинг бирлиги.

* * *

Эй зот, ханжар билан сен дам талашма,
Олам уйиндасан, олам талашма,
Менинг ўз дардимдир элимнинг дарди,
Ўз дардинг бўлмаса калам талашма.

* * *

Танинг хеч тинмасин ўрганган ишдан,
Кўнглинг — ўзи суйган, ўртанган ишдан,
Аклинг элаб турсин бори оламини,
Шунда умринг тинмас янгиланишдан.

* * *

Олам кўзгусида минг синар ёгду,
Ўзимники эмас, хатто туш, уйку...
Бу нурларга тартиб ким берар экан,
Качон бир идишга тушар бор огу?!

* * *

Шимолда биз ёздан хазонга тушдик.
Бу — жануб. Яна «ё рамозон!»га тушдик.
Гарбга кетдик — тубсиз козонга тушдик.
Шаркка юрдик, яна озонга тушдик.

* * *

Йук дерлар иши бор бор билан йўкнинг,
Бўшлиқдан ўтарку йўли хар ўкнинг,
Кучлилар кучсизга кўл узатсалар,
Кадри ортар эди хар ёнган чўгнинг.

* * *

Бу йўлда биз неча кўргондан ўтдик,
Адирлар, кумлардан, даргондан ўтдик.
Шошмай, лекин кайтмай, хак деб хар доим,
Биздан анча олдда боргондан ўтдик.

* * *

Сен мени ёлгончи дединг, эй ахмок,
Шу сўздан ўлишим билибсан бирок.
Хак деб жон берурлар, сенинг мақсадинг
Ёлгончи дунёда кўпрак яшамок!

* * *

Дехкон ўз хирмонин кўрмасин хеч кам,
Дўстлар йигилсинлар эрта хам, кеч хам.
Ўз ер, ўз жойида яшасин эллар,
Ўз эркин бошқадан сўрамай хеч хам!

* * *

Кирк биринчи хотинликка, Асилжон,
Сени келтирдилар Исфандиёрга.
Чидаб туролмади хеч бир тирик жон
Гурландан то Хева сен килган зорга.

Нега мунча йиги — ўйна, кул ахир,
Малика бўларсан улкан саройда!
Хонлар авлодига конинг кўшилса,
Бир кўлинг юлдузда, бир кўлинг ойда!

Ковогингни очгил энди, нозни кўй,

Хоннинг кучогида кутсанг-чи, тонгни!
«Кизинг бўй эгмаса, осаман!» деб у —
Гаровга келтирди, ана, отангни!

Шунда хам кўнмадинг!
Бахмал тўшаклар
Бўри кирган уйдек тўзди шом-сахар.
Сен таслим бўлмадинг.
Лекин хон тинди
Ногох кўйганинда ўртага ханжар!

Хон тинди
Ва лекин мерос газаб, ўч
Уввос солиб кирди унинг конига:
Отанг катл этилди!
Сени отдилар
Хоннинг кайнаб турган дошқозонига!

Қачон бу воқеа эсимга тушса,
Кўзимга ёш келар, синглим Асилжон.
Нимани сен бунча химоя этдинг,
Нима деб соб бўлдинг, ўн беш ёшли жон?!

Хали на мухаббат хавосин туйиб,
На оку карони фарқ этган калбинг
Қандай илохий куч измин бажарди,
Жон бериб,
нимани кутқариб колдинг?!

Табиат хар гиёҳ, хар бир жонзотнинг
Зотин пок саклашга жо этган жавхар
Исён кўтардим калбингда ногох,
Хондан шунинг учун килдингми хазар?!

О ўзбек кизлари! Мужассам иффат!
Мужассам мухаббат! Мужассами ор!
Сизнинг кўксингизнинг нурли зарбидан
Менинг толеимга жон риштаси бор.

Кўз бойловчи тақдир накш олма каби
Ногох тиг дамида ўйнатса сизни,
Ёки асир этса тўймас кора тун,
Биламан, асрайсиз юлдузингизни.

Лекин шуни билинг, хиссиз маҳрамлар
Бугун хам кайдадир киз излар хонга!

Кимдир ох урмоқда бахтин чангаллаб,
Кимдир ўт ёкмоқда яна козонга...

* * *

Умр ўтар, вақт ўтар,
Хонлар ўтар, тахт ўтар,
Омад ўтар, бахт ўтар,
Лекин ҳеч қачон чикмас ёдимдан
Сенинг юришларинг, сенинг қулишларинг.

Баҳорда бог на гўзал,
Қор тушса тоғ на гўзал,
Бу ёшлиқ чоғ яна гўзал.
Лекин ҳеч қачон чикмас ёдимдан
Сўзсиз қарашларинг, холим сўрашларинг.

Ой чиқар гоҳ заҳоли,
Дўстлар кўпдир вафоли.
Ҳаёт шундан сафоли,
Лекин ҳеч қачон чикмас ёдимдан
Секин сўзлашларинг, пинҳон излашларинг.

Умр — йўл, қайрилиш кўп,
Учрашиш, айрилиш кўп,
Унутиш, айтилиш кўп,
Лекин ҳеч қачон чикмас ёдимдан
Ўша қулишларинг, ўша келишларинг.